

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Тиббий таълимни ривожлантириш Республика маркази  
«Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш  
(Саломатлик-3)» лойиҳаси

**МЕЪДА ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ  
БҮЙИЧА КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР  
ТҮПЛАМИ**

**Туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари  
врачлари учун**

**Тошкент – 2016 йил**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Тиббий таълимни ривожлантириш Республика маркази  
“Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш  
(Саломатлик-3)” лойиҳаси

## МЕЪДА ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЙИЧА КЛИНИК ПРОТОКОЛЛАР ТЎПЛАМИ

Туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари  
врачлари учун

Q'ZBERKISTON RESP  
JG'LIONI SAOLASH  
V A Z Клиник протоколлар ҚВП/ОП умумий амалиёт врачлари, гастроэнтерологлар,  
ANDIJON DAYLAT  
TIBBIVOTINSTITUT  
ISHAHA  
SHIPOKORLAR  
O'QU MARKAZI

Клиник протоколлар 2014 йилда ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

1. Каримов М. М. - Республика ихтисослашган илмий-амалий марказ терапия ва тиббиёт реабилитацияси, меъда ичак бўлими раҳбари, т.ф.д
2. Нурмухамедова Р.А. - Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг УАВ малакасини ошириш кафедраси доценти, т.ф.н.
3. Аниёзова Д. Ж. - Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Соғлиқни саклашни бошқариш, молиялаштириш ва ташкиллаштириш кафедраси, катта илмий ходим-изланувчиси.

Тақризчилар:

1. Аляви А. Л. – РИИАМТ ва ТР директори, т.ф.д., профессор
2. Хамрабаева Ф.И. – Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «Гастроэнтерология ва физиотерапия» кафедрасининг мудири, т.ф.д

Ушбу протокол Соғлиқни саклаш вазирининг  
2016 йил 1 февраль 57-сонли бўйруги билан тасдиқланган

Клиник протоколлар Соғлиқни саклаш вазирлигининг ва  
Халкаро ривожланиш ассоциацияси иштирокидаги «Саломатлик-3» лойихаси  
доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Босишга 14.09.2016 да рухсат этилди.  
Бичими 60x84 1/8. Офсет босма. «Таймс» гарнитураси. Ҳажми 4,0 б. т. Шартли б. т. 3,72.  
Адади 3458 нусха. 35-16 ракамли буюртма.

«Yangiyo'l poligraf servis» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
112001, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, 44-үй.

## **Мундарижа:**

ДИСПЕСИЯ .....	5
ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	5
КТМП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	6
СУРУНКАЛИ ГАСТРИТЛАР .....	9
ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	9
КТМП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	10
ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИ .....	12
ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	12
КТМП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	14
МЕЪДА ВА 12 БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ .....	16
ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	16
КТМП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	17
МТШ шароитида ташхислаш ва даволаш .....	18
СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАР .....	20
ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	20
КТМП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	21
МТШ шароитида ташхислаш ва даволаш .....	22
ЖИГАР ЦИРРОЗИ .....	25
ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	25
КТМП шароитида ташхислаш ва даволаш .....	27
МТШ шароитида ташхислаш ва даволаш .....	27
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	32

## Қисқартмалар рүйхати

АлАТ	Аланинаминотрансфераза
АсАТ	Аспартатаминотрансфераза
ВГ	Вирусли гепатитлар
ВКТТМ	Вилоят кўп тармокли тиббиёт маркази
ГКС	Глюкокортикоиды
ГЭРК	Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги
ЖССТ	Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти
ЖЦ	Жигар циррози
ИТИ	Илмий –текшириш институти
ИФ	Ишқорий фосфатаза
ИФТ	Иммунофермент таҳлили
КТМП	Марказий туман кўп тармокли поликлиникаси
МТШ	Марказий туман шифохонаси
НЯҚВ	Ностероид яллигланишга қарши воситалар
ОП	Оиласвий поликлиника
ПЗР	Полимераз занжирли реакция
ППИ	Протон помпа ингибитори
РИИАМТ ва ТР	Республика ихтисослашган илмий-амалий марказ терапияси ва тиббиёт реабилитацияси
СВГ	Сурункали вирусли гепатит
СГ	Сурункали гепатит
ТВИ	Тана вазни индекси
УАВ	Умумий амалиёт врачи
УТТ	Ультратовуш текшируви
ХКТ	Ҳалқаро касалликлар таснифи
ЦМВ	Цитомегаловирус
ЭКГ	Электрокардиография
ЭФГДС	Эзофагогастродуоденоскопия
ЯК	Яра касаллиги
ҚВП	Қишлоқ врачлик пункти
HBV	Вирусли гепатит В
HCV	Вирусли гепатит С
HDV	Вирус гепатитли Д
HP	<i>Helicobacter pylori</i>
PEN	Бирламчи тиббий санитария ёрдами учун ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган юқумсиз касалликлар бўйича асосий тадбирлар пакети

## ДИСПЕСИЯ

**ХКТ раками 10:**

К30 Диспесия

### Таърифи

Диспесия – эпигастрал соҳадаги нохушлик ёки оғриқ (қорин ўрта чизиги бўйича), кўнгил айниши қусиш, кекириш, жигилдон қайнаши каби белгилар билан намоён бўлади.

### Эпидемиологияси

Диспесия 60% холларда функционал бўлиб, бироз ҳаёт сифатини пасайтиради. Бундан ташқари меъда ичак трактининг бошқа органик касаллиги (ГЭРК ёки яра касаллиги) ҳам диспесия белгиси билан кечиши мумкин, шунинг учун бундай bemорларни қўшимча текшириш учун КТМПга жўнатиш керак.

### Хавф омиллари

- Дори воситаларини ичиш: ностероид яллигланишга қарши воситалар.
- Эмоционал зўрикиш ҳам функционал диспесияга олиб келади.
- Чекиш ва алкоголь ичиш ҳам хавф омилидир.
- НР-инфекциясини бўлиши.

### ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш

#### 1. Шикоятлар ва анамнезни йигини

а) Ўрта чизик, яъни эпигастрал соҳада оғриқ, нохушлик сезгиси, меъдада тўлиш ҳисси, коринда дам бўлиши, кўнгил айниши; оғрикнинг жойлашиши ва иррадиацияси, келиб чикиш сабаби ва оғрикни камайтирувчи воситалар; оғрикнинг давомийлиги: юкорида кўрсатилган белгилар ташхис кўйишдан олдин 3 ойдан кам, 6 ойдан ошмаслиги керак.

б) Дори воситаларини ичиш, чекиш, кофе ва алкоголь ичиш, уларнинг сони ва микдорига боғлиқ.

2. Клиник кўрик: ҳаёт учун керакли кўрсаткичларни баҳолаш: пульс, артериал қон босими, харорат; бўй ва вазнни ўлчаш, ТВИни хисоблаш; тери ранги; тил кўрги. Пальпатор эпигастрал соҳадаги сезгириликни текшириш. Перкутор жигар чегараларини аниклаш лозим.

#### 3. Лаборатор-инструментал текширувлар

- Умумий қон тахлили.
- Умумий ахлат тахлили.
- Ахлатни яширин қонга текшириш.
- АлАТ, АсАТ, билирубин бир маротаба текшириш (жигар касаллигини инкор килиш максадида).

#### 4. ҚВПда даволаш

##### Номедикаментоз даво

- Беморга касаллик бўйича сабаби, даволаш лозимлиги, соғлом турмуш тарзи ҳакида маълумот бериш керак.
- Чекишни тўхтатиш. Функционал диспесия бор bemорларда чекишни тўхтатиш, бу ўз навбатида рецидив давомийлиги ва сонини камайтиради, даволаш самарадорлигини оширади.
- Алкогол ва кофени чеклаш. Алкогол ва кофе ичишни камайтириш ёки чеклаш.

- *Рационал овқаттандыши.* Беморлар касалликни авжланишига олиб келувчи маңсулоттарни чеклаши керак, булар күйидагилар кофе, шоколад, кофеин сакловчи маңсулоттар, ёғлар, зираворлар, цитрус мевалари, томат.
- *НЯҚВ ни тұхтаттандыши,* агар bemорлар уларни қабул килаётгандай болса.

#### **Медикаментоз даво**

- Протон помпа ингибиторидан бири стандарт дозада берилади (омепразол 20 мг, лансопразол 30 мг, пантопразол 40 мг, рабепразол 20 мг, эзомепразол 20 мг в суткасига) овқатдан олдин 2 маҳал 7-10 кун мобайнида диспепсия белгилари кеттүнчада.
- Даво самараасиз бўлса, ППИ курс давосини 2 марта оширилади (2 таблеткадан 2 маҳал кунига 7-10 кун).
- Агар касаллик белгилари 1-6 ойдан кейин кайталанса, bemорни КТМПга гастроэнтеролог кўргигига жўнатилиди.

#### **Даво самараадорлиги мезонлари**

Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.

#### **КТМПдаги гастроэнтеролог кўргигига жўнатиш мезонлари**

1. Эзофагогастродуоденоскопия, НР-инфекциясини аниклаш тести, меъда ичак тизими аъзолари УТТси bemорларда органик патологияни инкор килиш мақсадида килинади.
2. Күйидагилар бўлса: тана вазни бесабаб камайса, ноаниқ этиологияли камконлик, оиласвий анамнезда (биринчи авлодда) онкологик касалликлар бўлса, ахлатда кон бўлса, кон аралаш кусишибелгиларида.

#### **КТМП шароитида ташхислаш ва даволаш**

##### **1. Сўраб суриштириш ва анамнез йигиш**

##### **2. Клиник кўрик**

##### **3. ҚВП дан ташқари килинадиган лаборатор-инструментал текширувлар**

- а) НР-инфекциясини текшириш тавсия этилади.
- б) Эзофагогастродуоденоскопия. ЭФГДС (биопсия олган холда).
- в) Кўрсатмага кўра хазм системаси УТТси: жигар, ўт пуфаги, меъда ости безини.

##### **4. КТМП шароитида даволаш**

- ППИ ноэфектив бўлса, белгиларни камайтириш учун прокинетиклар (метоклопрамид 10 мг 3 маҳал суткасига, домперидон 10 мг 3 маҳал суткасига, итоприд гидрохлорид 150 мг суткасига) берилади.
- НР-инфекцияси аникланса, уч компонентли эрадикацион терапия 10-14 кунга берилади:
  - ППИ стандарт дозада (омепразол 20 мг, лансопразол 30 мг, пантопразол 40 мг, рабепразол 20 мг, эзомепразол 20 мг суткасига 2 маҳал).
  - Антибиотик – (Амоксициллин 1000 мг кунига 2 маҳал).
  - Антибиотик – (Кларитромицин 500 мг кунига 2 маҳал).

Агар КТМПда берилган даво самараасиз бўлса, диспепсия белгиларини камайтириш учун, нейролептик (сульпирид гидрохлорид 50-100 мг в суткасига) тавсия этилади.

#### **Даволаш самараадорлиги мезонлари**

Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.

**Диспепсияси бор bemорлар МТШда даволаниши шарт эмас.**

## **Кейинчалик ҚВП назоратида бўлиши керак**

- Парҳез режими: диспепсия белгилари авж олмаслиги учун, куйидаги маҳсулотларни чеклаш керак: кофе, шоколад, кофеин сакловчи маҳсулотлар, ёғлар, зираворлар, цитрус мевалар, томатлар.
- Ностероид яллигланишга қарши воситалар, глюокортикостероидларни тўхтатиш.
- Алкогол ичишни ва чекишни тўхтатиш.

## **ҚВП да диспансеризация қилиш**

Диспепсияси бор беморлар диспансеризация назоратида турмайди.

*Илова 1*

### **Диспепсияни даволашда ишлатиладиган дори воситаларини стандарт миқдори**

#### **Протон помпа ингибиторлари**

1. Омепразол 20 мг
2. Лансопразол 30 мг
3. Пантопразол 40 мг
4. Рабепразол 20 мг
5. Эзомепразол 20/40 мг


#### **Прокинетиклар**

1. Метоклопрамид 10 мг
2. Домперидон 10-20 мг
3. Итоприд гидрохлорид 150 мг

#### **Нейролептик**

1. Сульпирид гидрохлорид 50-100 мг

### Диспенсия бор беморларни олиб бориш кетма кетлигиги



## **СУРУНКАЛИ ГАСТРИТЛАР**

### **ХКТ рақами 10:**

К29 Гастрит ва дуоденит

К29.3 Сурункали гастрит

К29.5 Сурункали антрап, фундал гастритлар

### **Таърифи**

Сурункали гастрит – мэъда шиллик қаватини *Helicobacter pylori*-инфекцияси хисобига сурункали ёки бошқа жароҳатловчи омилларга кўра яллигланишидир.

### **Эпидемиологияси**

Энг кўп таркалган касаллик бўлиб, бутун ахолини бешдан икки кисми бу касаллика чалинади.

Мэъда касалликлари ичida сурункали гастрит 85%ни ташкил қиласди. Мэъда шиллик қаватидаги ўзгаришлар ёш ўтган сари ўзгариб, ҳар йили гастритлар 1,5%га ошаёттани кузатилмоқда.

### **Хавф омиллари:**

- Инфекциялар: Нр-инфекциясини бўлиши, гижжа инвазиялари (*Strongyloides species*, *schistosomiasis*, *Diphyllobothrium latum*).
- Вируслар (ЦМВ, герпес вируси).
- Ноинфекцион омиллар: ўтнинг рефлюксси /ёки панкреатик шира.
- Алкогол ичиш.
- Чекиш.
- Кокаин қабул килиш.
- Дори воситалар қабули (ностероид яллигланишга қарши воситалар-НЯҚВ).
- Крон касаллиги.
- Саркоидоз.
- Нурланиш.

### **КВП шаронтида ташхислаш ва даволаш**

#### **1. Шикоятлар ва анамнез йигиши**

Қориндаги оғриклар, кўнгил айниши, қусиши, оғирлик хисси, тўлиш хисси, овқат истеъмоли вактида ёки овқатдан кейин пайдо бўлади, кекириш, оғизда нохуш таъм бўлиши, эпигастрал соҳада куйиш хисси, жигилдан қайнаши мэъдада эвакуация фаолияти бузилиши ва мэъда ширасини кизилўнгачга куйилиши билан намоён бўлади.

#### **2. Клиник кўрик**

Ҳаёт учун керакли кўрсаткичларни баҳолаш: пульс, артериал кон босими, ҳароратни ўлчаш, бўй ва тана вазнини ўлчаш, ТВИни хисоблаш; тери ранги; оғиз кўргиги- тилни оқ караш билан қопланиши. Эпигастрал соҳадаги оғрикни пальпатор текшируви. Жигар чегараларини перкутор текшириш.

#### **3. Лаборатор-инструментал текширувлар**

- а) Умумий кон тахлили.
- б) Умумий ахлат тахлили.
- в) Ахлатни яширин қонга текшириш.

## **4. ҚВПда даволаш**

### **Номедикаментоз даволаш**

- **Беморга касаллик бўйича**, сабаби, даволаш лозимлиги, соғлом турмуш тарзи хақида маълумот бериш керак. (Соғлом турмуш тарзини тарғибот килиш).
- **Чекишни тўхтатиши**. Функционал диспепсия бор bemорларда чекишни тўхтатиши, бу ўз навбатида рецидив давомийлиги ва сонини камайтиради, даволаш самарадорлиги ошади.
- **Алкоголь ва кофени чеклаш**. Алкоголь ва кофени ичишни камайтириш ёки чеклаш.
- **Рационал овқатланиши**. Беморлар касалликни авжланишига олиб келувчи маҳсулотларни чеклаши керак, булар қўйидагилар кофе, шоколад, кофеин сакловчи маҳсулотлар, ёғлар, зираворлар, цитрус мевалари, томат.
- **Агар bemор НЯҚВ қабул килаётган бўлса, тўхтатиши**.

### **Медикаментоз даво**

Сурункали гастрит НР-инфекцияси билан бирга келса, уч компонентли эрадикацион даво 14 кунга кўлланилади:

- Омепразол 20 мг кунига 2 маҳал.
- Амоксициллин 1000 мг кунига 2 маҳал.
- Метронидазол 250 мг кунига 4 маҳал овқатдан кейин.

Агар bemорда НЯҚВли гастропатия бўлса, НЯҚВни қабул қилмаслик ёки НЯҚВ билан ППИ ёки висмут воситалари бирга қабул килиниши керак.

## **5. Даволаш самарадорлиги мезонлари**

Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.

## **6. КТМПдаги мутахассисга жўнатиш мезонлари**

- ҚВПдаги берилган давонинг самарасизли.
- Асоратлар ривожланиши, консерватив тез тиббий ёрдам кераклиги ёки жарроҳлик амалиёти (қон кетиш бўлса).

### **КТМП шароитида ташҳислаш ва даволаш**

#### **1. Сўраб суриштириш ва анамнезни йигиши**

#### **2. Клиник кўрик**

#### **3. ҚВП дан ташқари қилинадиган лаборатор-инструментал текширувлар**

- а) НР-инфекциясини текшириш тавсия этилади.
- б) Сурункали гастритни асосий текширув усули эзофагогастродуоденоскопия.

#### **4. КТМП да даволаш**

**Иккинчи қатор воситаси берилади, буларга тўртга дори воситаси киради:**

- Омепразол 20 мг 2 таблеткадан кунига 2 маҳал 14 кун мобайнида.
- Амоксациллин 1 г кунига 2 маҳал 14 кун.
- Кларитромицин 500 мг кунига 2 маҳал 14 кун.
- Висмут субцитрат 120 мг кунига 3 маҳал овқатдан 30 дақика олдин ва тўртинчиси – уйқудан олдин 14 кун.

## **5. Даволаш самарадорлиги мезонлари**

Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.

**Сурункали гастрити бор bemорлар МТШ шароитида даволаниши шарт эмас.**

## 6. Кейинчалик ҚВП назоратида бўлиши керак


- Парҳез режими: диспепсия белгилари авж олмаслиги учун, қуидаги маҳсулотларни чеклаш керак: кофе, шоколад, кофеин сақловчи маҳсулотлар, ёғлар, зираворлар, цитрус мевалар, томатлар
- Ностероид яллигланишига қарши воситалар, глюокортикостероидларни тўхтатиш.
- Алкоголь ичишни ва чекишини тўхтатиш

## 7. ҚВП шароитида диспансеризация қилиш

- Атрофик гастрити бор беморлар диспансеризация қилиниши керак.
- Агар меъда шиллик қаватига атрофия бўлса, хавфли ўсманни олддини олиш холатларини эрта аникланиши учун қайта ЭФГДС биопсия билан олинади, 2-3 йилда 1 марта мониторинг ўтказилади. Шу мақсадда bemорларни мутахассисга КТМП жўнатилади.

Илова 3

### Гастрити бор беморларни олиб бориш кетма кетлиги



## ГАСТРОЭЗОФАГЕАЛ РЕФЛЮКС КАСАЛЛИГИ

### ХКТ раками -10:

К 21.0 Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги

К 21.0 Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги эзофагит билан

К 21.1 Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги эзофагитсиз түри

### Таърифи

Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги – мөнда ширасини кизилўнгачга куйилиши ва беморда нохушлик сезгиси кузатилиши билан намоён бўлади.

### Эпидемиологияси

Эпидемиологик текширувларга кўра, ГЭРК белгилари аҳолида ҳар куни 4-10%, ҳар хафтада 20-30%, ҳар ойда 50%, кузатилади, шунинг учун бу белгилар ҳаёт сифатига ва иш фаолиятига таъсир кўрсатади. ГЭРКнинг энг хавфли асорати Баррет кизилўнгачи- (метаплазияси) тўлиқ кўп каватли ясси эпителий ўрнига мөнда цилиндрик эпителияси билан қопланиб, кизилўнгач аденокарциномаси ривожланиш хавфи ошиб боради<sup>1</sup>.

### Хавф омиллари

- Семириш, тезда вазн ошиши.
- Озик-овқатли одатлар: кўп микдорда овқат қабул килиш; уйқудан олдин овқатланиш
- Кўйидаги дори воситалари қабул килиш: калций каналлари блокаторлари, теофиллин сакловчилар, нитратлар, антигистамин воситалар.
- Чекиш.
- Ҳафтасига 70 мл дан ортиқ алкоголь ичиш тоза спиртга нисбатан олинган.
- Диафрагмани кизилўнгач тешиги чурраси.
- Наслий мойиллик (кариндошларда биринчи авлодда бўлиши, жигилдан кайнаши безовта килиши).
- Ҳомиладорлик.

### ҚВП шароитида ташхислаш ва даволаш

#### 1. Шикоятлар ва анамнезни йигини

ГЭРК бўлган беморларнинг шикоятлари:

- **Жигилдан қайнаши** – тўш ортида нохушлик, куйиш хисси; бу белгини бир хафтада бир мартадан кўп бўлиши; гавда эгилганда ёки кечқурун ёттандан келиб чикиши, жигилдан кайнашини келтириб чиқарувчи омиллар (иссиқ нон маҳсулотлари, ширинликлар, нордон, зираворли таомлар), кўп овқатланиш, жисмоний меҳнат ёки чекишдан кейин, алкоголь ичишдан кейин кузатилади.
- **Кекириш, овқат билан кекириш-овқатдан кейин, газли ичимликлар ичганда, ётган ҳолатда, гавда эгилганда кучаяди.**
- **Овқат маҳсулотини кизилўнгачдан ўтаёттандан оғрикли бўлиши шиллик** қаватда яққол яллигланиш бўлганда кузатиладиган белгидир. Бу белгини кизилўнгач хавфли ўсмаси билан дифференциал ташхис килиниши шарт.
- Кўкрак қафасида оғрик овқатдан кейин пайдо бўлиб, ютиш билан боғлик, оғрик юрак чўккисига тарқалиши, стенокардия хуружига ўхшаш бўлиб, ишкорий минерал сувлар, антацидлардан кейин оғрик камаяди.

1 Гастроэзофагеал рефлюкс касаллиги. Методик кўлланма//Азяви А.Л., Каримов М.М., Ахматходжсаев А.М., Саатов З.З.//Тошкент, 2009

- ГЭРКнинг қизилўнгачдан ташқари белгилари ГЭРКни стенокардия, зотилжам деб уйлаб, амалиётда кўп хатоларга олиб келмоқда. Бу белгиларга кўкрак қафасидаги оғриқ, йўтал, томоқдаги оғриқ, астма, аспирацион зотилжам киради.

**2. Клиник қўрик:** ҳаёт учун керакли кўрсаткичларни баҳолаш: пульс, артериал қон босими, ҳарорат; бўй ва вазни ўлчаш, ТВИни ҳисоблаш; тери ранги; тил қўриги. Пальпатор эпигастрал соҳадаги сезгирикни текшириш. Перкутор жигар чегараларини аниқлаш.

**УАВ ташхисни аниқ қўйиши учун қўйидаги ППИ билан тест ўтказиши керак.** Тест килиш учун беморда «хатар» белгиси бўлмаслиги керак. Беморда ГЭРК белгилари бўлса, ППИдан бири стандарт дозада нонуштадан 30-60 дақиқа олдин бир ҳафта мобайнида берилади. Агар bemорда белгилар 50% дан ошиқ камайса, тест мусбат, яъни ГЭРК ташхиси исботланади. Агар тест манфий бўлса, bemорни КТМП ЭФГДС учун жўнатилади.

**3. Лаборатор-инструментал текширувлар:** керак эмас.

**4. ҚВП шароитида даволаш**

#### **Номедикаментоз даво**

- **Беморга касаллик бўйича,** сабаби, даволаш мақсади ва даволаш лозимлиги, соғлом турмуш тарзи ҳақида маълумот бериш керак. (Соғлом турмуш тарзини тарғибот килиш).

**ГЭРКда биринчи қадам ҳаёт тарзини ўзгартириши** буларга қўйидагилар киради:

- **Вазини камайтириш,** агар ортиқча тана вазни бўлса, (ТВИ 25 ортиқ) ва тез вазн тўпловчилар.
- **ГЭРКли bemорларга чекиши** ва алкогол ичишни тўхтатиш.
- **Рационал овқатланиши.** Беморлар касалликни авжланишига олиб келувчи маҳсулотларни истеъмол қилишни чеклаши керак, булар қўйидагилар: кофе, шоколад, кофеин сақловчи маҳсулотлар, ёѓлар, зираворлар, цитрус мевалари, томат. Тунги рефлюкси бор bemорларга қўйидаги тавсиялар берилади; кечқурунлари овқатланмаслик, ухлаёттанди боши бироз кўтарилиши лозим.

#### **Медикаментоз даво**

ППИ ГЭРКда энг самарали дори воситаси ҳисобланади. Асосий даво усули ППИ минимал самарали дозада берилади.

1. Биринчи қатор дори воситалари ППИдан бири нонуштадан 30-60 дақиқа олдин бир маҳал 8 ҳафта давомида берилади.

а. Беморларга мусбат жавоб бўлса ППИга, суткасига 2 маҳал берилади ёки дори воситаси алмаштирилади.

б. Агар bemорда тунги хуружлар устунлик килса, дори воситаси кечки овқатдан олдин берилади.

с. Узоқ давом этувчи дори терапияси ППИ минимал терапевтик дозада берилади  
д. Дори самарасиз бўлса, ППИ икки баробар катта дозада 4 ҳафта берилади.

#### **Даволаш самарадорлиги мезонлари**

- Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.
- Эндоскопик текширувда яра ва эрозли эзофагитда -яра битиши аниқланади.

#### **КТМПдаги гастроэнтеролог қўригига жўнатиш мезонлари:**

1. Даво самарасиз бўлса.

**2. Куйидаги симптомлар бўлса:**

- Ривожланган дисфагия.
- Ютинганда оғриқ.
- Бесабаб вазн камайса.
- Қонли қусиш.
- Ахлатда қон бўлиши.
- Камконлик.

**КТМП шароитида ташҳислаш ва даволаш**

**1. Шикоятлар ва анамнезни йигиши**

**2. Клиник кўрик**

**3. Лаборатор-инструментал текширувлар - ЭФГДС**

**4. КТМПда даволаш**

- Агар биринчи қатор дори воситаси самарасиз бўлса, прокинетиклардан бири (итоприд гидрохлорид 150 мг 1 маҳал суткасига ёки метаклопрамид 10 мг суткасига 3 маҳал) 4 ҳафта.
- Агар беморда асоратлар бўлмаса, давони УАВ назорати остида олиб борилади.

**5. Даволаш самарадорлиги мезонлари**

- Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.
- Эндоскопик текширувда яра ва эрозли эзофагитда-яра битиши аниқланади.

**6. Беморда асоратлар бўлса, жўнатиш мезонлари**

Асоратлар ривожланса, тиббий ёрдам кўрсатиш қадамлари:

- Қизилўнгач структураси – МТШси жарроҳлик бўлимига.
- Қизилўнгач яраси – МТШси жарроҳлик бўлимига.
- Баррет қизилўнгачи ривожланса – вилоят онкология диспансерига.
- Қизилўнгач аденокарциномаси – вилоят онкология диспансерига.

**7. Кейинчалик ҚВП назоратида бўлиши керак**

- Пархез режими: диспепсия белгилари авж олмаслиги учун, куйидаги маҳсулотларни чеклаш керак: кофе, шоколад, кофеин сакловчи маҳсулотлар, ёғлар, зираворлар, цитрус мевалар, томатлар. Кечкурун ва ухлашдан олдин овқат қабул қиласли.
- Ностероид яллигланишига қарши воситалар, глюкокортикоидларни тўхтатиши.
- Алкогол ичишни ва чекишини тўхтатиши.
- Тана вазнини назорат қилиш.

**8. ҚВП шароитида диспансеризация қилиши**


ГЭРК бор bemорлар диспансеризацияда туриши шарт эмас.

*Илова 4*

**ГЭРКни даволашда ППИнинг стандарт дозаси**

1. Омепразол 20 мг
2. Лансопразол 30 мг
3. Пантопразол 40 мг
4. Рабепразол 20 мг
5. Эзомепразол 20/40 мг

### ГЭРКли беморларни олиб бориш кетма кетлиги



## МЕЬДА ВА 12 БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИ

### ХКТ раками -10:

К25 Меъда яра касаллиги

К26 12 бармоқ ичак яра касаллиги

### Таърифи

Меъда ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги - сурункали қайталаувчи касаллик бўлиб, меъда ва 12 бармоқ ичак соҳасида яра ҳосил бўлади.

### Эпидемиологияси

Саломатлик институти ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, меъда ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги умумий кўрсаткичи ва бирламчи касалланиш 526 дан 381,22 гача ҳамда 95,7дан 37,9 гача 2007 - 2011 йиллар оралигига камайган.

Обсервацион текширувларга кўра НР-инфекцияси тарқалиши Ўзбекистонда 80% ташкил қиласди. Мета тахлил шуни кўрсатадики, эрадикация қилинган инфекция ярани даволаниши, ярани қайталаунишини ва асоратларни камайтиришга олиб келади.

### Хавф омиллари:

- анамнезда ЯК бўлиши;
- оилавий анамнезда меъда хавфли ўсмаси бўлиши;
- ёш >65 лет;
- эркак киши;
- НЯҚВ, глюокортикоидлар қабул қилиш;
- чекиш;
- алкоголь ичиши.

### ҚВП шароитида ташҳислаш ва даволаш

#### 1. Шикоятлар ва анамнезни йигини

Анамнезда ЯКги, оилавий анамнезда меъда хавфли ўсмаси бўлиши, НЯҚВ ёки ГКС қабул қилиш.

*Оғриқ бўлиши* – яра касаллининг асосий белгиси. Оғриқ симилловчи, босувчи бўлиб, ханжарсимон ўсиқ остида, ёки чап қовурга остида бўлади. Оғриқ кизилўнгач бўйлаб тарқалиши, кўп микдорда кекириш, жигилдон қайнаши, яра касаллиги кўпинча кардиянинг етишмовчилиги ва меъда-қизилўнгач рефлюкс билан кузатилади. Оғриқ ўнг елка, ўнг ёки чап қовурга остига тарқалади, бу жараёнга ўт йўллари ва меъда ости бези қўшилганидан дарак беради.

#### Оғриқ характеристири ва жойлашиши

- *Меъда яраси* – эрга оғриқ; меъдани юқори кисми яраси (кардиал кисм), овқатдан сўнг дарров бошланиши, кўпинча аччиқ ва/ёки иссиқ овқатлардан кейин пайдо бўлувчи оғриклар; агар яра меъда танаси ёки тубида жойлашса (*медиогастрал яралар*) оғриқ овқатдан 20-30 дақиқадан сўнг бўлиб, кам холларда тунда кузатилади.
- *Яра привратник атрофида ва 12 бармоқли ичакда бўлса* – кечки оғриклар; агар яра 12 бармоқли ичакнинг пиёзча ёки меъданинг антрал қисмida бўлса, нахорги оғриклар (оч коринга), тунги оғриклар 1,5-2 соатдан сўнг овқатдан кейин намоён бўлувчи (кечки оғриклар). Оғриқ овқатдан кейин камаяди. Кучли оғриклар яранинг привратник каналида жойлашганида кузатилади, овқатдан 40 дақиқа - 1 соатдан кейин пайдо бўлади.

*Асоратлар келиб чиқса* - қора, кўмирсимон ахлат, қон кусиш, камконлик, тана вазни камайса (>10%) беморни КТМПга гастроэнтеролог кўригига жўнатилиади.

**2. Клиник кўрик:** ҳаёт учун керакли кўрсаткичларни баҳолаш: пульс, артериал қон босими, харорат; бўй ва вазини ўлчаш, ТВИни ҳисоблаш; тери ранги; тил кўриги. Пальпатор эпигастрал соҳадаги оғриқни текшириш.

**3. Лаборатор-инструментал текширувлар:**

- Умумий қон таҳдили.
- Умумий ахлат таҳдили.
- Ахлатни яширин контга текшириш.

**4. ҚВП да даволаш**

**Номедикаментоз даво**

- **Беморга қасаллик бўйича**, сабаби, даволаш мақсади ва лозимлиги, соглом турмуш тарзи ҳақида маълумот бериш керак. (Соглом турмуш тарзни тарғибот қилиш).
- **Чекишни тўхтатиши**. Беморларда чекишни тўхтатиши, бу ўз навбатида рецидив давомийлиги ва сонини камайтиради, даволаш самарасини оширади.
- **Алкогол ва кофени чеклаш**. Алкогол ва кофени ичишини камайтириш ёки чеклаш.
- **Рационал овқатланиши**. Парҳезга риоя қилиш, кам-камдан, тез-тез, кам миқдорда овқатланиши, 4-5 маҳал кунига. Таомномадан аччик, тузланган, дудланган маҳсулотларни чикариб ташлаш, чунки булар белгиларни ривожланишига олиб келади.
- **Агар bemor НЯҚВ қабул қилаётган бўлса, тўхтатиши**.

**Медикаментоз даво**

**Учкомпонентли эрадикацион даво**

1-қатор стандарт учкомпонентли эрадикацион даво 14 кунга берилади ва куйидагилар киради.

- Омепразол 20 мг, кунига 2 маҳал.
- Амоксициллин 1 г кунига 2 маҳал.
- Метронидазол 250 мг, кунига 4 маҳал овқатдан сўнг.

**Даволаш самараדורлиги мезонлари**

- Қасаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.
- Яра дефектини чандикланиши (ЭФГДСда исботланиши).
- НР-инфекциясини йўқлиги.

**КТМП гастроэнтерологи кўригига жўнатиши мезонлари**

- 1-қатор давонинг самарасизлиги.
- Ташҳисни асослаш учун ЭФГДС қилиниши.
- НР-инфекциясини аниқлаш учун.
- Асоратлар кузатилса; қон кетиш, корайган, кўмирсимон ахлат, кучли чидаб бўлмас оғриклар, қон қусиш, тана вазни камайиши.


**КТМП шароитида ташҳислаш ва даволаш**

**1. Шикоятлар ва анамнезни йигиши**

**2. Клиник кўрик**

**3. Лаборатор-инструментал текширувлар (ҚВПдан ташқари яна қўшимча текширувлар)**

- Ташҳисни тасдиқлаш мақсадида -ЭФГДС қилиш.
- НР-инфекциясини аниқлаш учун- уреаза нафас тести.
- Морфологик текширувлар – атрофия, дисплазия ёки неоплазияни ташҳислаш учун.



- Меъда шиллик каватидан биопсия олиш.
- Күйидаги түрт компонентли давони гастроэнтеролог 14 кунга буюради:
  - Омепразол 20 мг 2 таблеткдан кунинга 2 маҳал.
  - Амоксациллин 1 г кунинга 2 маҳал.
  - Кларитромицин 500 мг кунинга 2 маҳал.
  - Висмут субцитрати 120 мг кунинга 3 маҳал овқатдан 30 дақика олдин ва 4-маргаси – уйкудан олдин.

#### **4. Симптоматик даво**

Түрт компонентли даводан кейин оғрик бўлса, симптоматик даво буюрилади, омепразол 20 мг кунинга 2 маҳал 3 кун мобайнида, сўнг 10 мг 2 хафта давомида берилади. Оғрик йўколса, даво бошқа ўтказилмайди.

#### **5. Даволаш самарадорлиги мезонлари**

- Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.
- Яра дефектини чандикланиши (ЭФГДСда исботланиши).
- НР-инфекциясини йўклиги.

#### **6. МТШдаги ички касалликлар бўлимга жўнатиш мезонлари**

- 2-катор терапиясидан кейин давонинг самараисизлиги.
- Якнинг асоратларини ривожланиши (қон кетиш, пенетрация ёки перфорация).
- Катта (3 см) ва жуда катта яра бўлиши (3 смдан катта).
- Меъда ичак тизимининг ёндош касалликлари (сурункали гепатит, жигар циррози, сурункали панкреатит авж олиш даври).

### **МТШ шаронтида ташхислаш ва даволаш**

#### **1. Шикоятлар ва анамнезни йигиши**

#### **2. Клиник кўрик**

#### **3. Лаборатор-инструментал текширувлар (кўшимча текширувлар КВПдан, КТМПдан ташқари):**

- Умумий қон тахлили (тўлик).
- Коагулограмма.
- ЭФГДС.
- ЭКГ.

#### **4. МТШ даволаш**

- 2 катор давосидан кейин, *Helicobacter pylori* эрадикация килинмаса, *Helicobacter pylorига* сезувчан антибиотик олиш тавсия килинади (бунинг учун ахлатни ёки ЭГДФС оркали олинган меъда биоптатини экин лозим). МТШ ички касалликлар бўлимида даволаниши керак.
- Асоратлар ривожланса (қон кетиш, перфорация, пенетрация, привратник стенози) МТШни жарроҳлик бўлимида даволаниши керак.

#### **5. Даволаш самарадорлиги мезонлари**

- Касаллик белгилари бўлмаса – ҳаёт сифати яхшиланади.
- Яра дефектини чандикланиши (ЭФГДСда исботланиши).
- НР-инфекциясини йўклиги.

## 6. ҚВПда реабилитация ишлари


- Жаррохлиқдан кейинги жароҳатни ишлов бериш ва жаррохлик давосидан кейин bemорларни парваришилаш.
- Беморга мос пархез танлаш (мүмкін бўлмаган маҳсулотларни тўхтатиш ёки чеклаш)
- Мехнат ва дам олишни тартиблаш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш.
- НЯҚВ ва ГКСлар қабул қиласли.
- Алкогол ва чекишини тўхтатиш.
- Санатор-курорт даво.

## 7. ҚВП шароитида диспансеризация қилиш

- Меъда яра касаллиги бор bemорларни диспансеризацияга олиш.
- Меъда яраси битгандан сўнг, қайта ЭГДС 3 ва 6 ойдан кейин қилинади. Фақат яра белгилари бўлса ЭФГДС қилиниши лозим. Шу мақсадда КТМП га жўнатилади.
- Меъда шиллиқ қаватида атрофия бўлса, хавфли ўсмаларни олдини олиш ҳолатларини эрта ташҳислаш учун қайта ЭГДС биопсия билан олиниши керак, 2-3 йилда 1 марта олинади. Шу мақсадда КТМП мутахассисига жўнатилади.

Илова 6

### ЯК бор bemорларни олиб бориш кетма кетлиги



## СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАР

### ХКТ раками 10:

- В 18 – сурункали вирусли гепатит
